ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 30 август № 34 (211) • Сотувда нархи эркин

МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

ЗАФАР ВА ҚУВОНЧ БАЙРАМИ

Беш йил тарих учун унча катта муддат эмас. Аммо бу даврда мустақил давлатимиз бозор шароитида иқтисодни тараққий эттириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш йўлида қатор ишларни амалга оширди.

Республикамиздаги барча алоқа корхоналарининг меҳнат жамоалари Мустақиллик тўйини пухта тайёргарлик, кўтаринки кайфият билан кутиб олишмоқда. Шу йилнинг саккиз ойидаги асосий ишлаб чиқариш, молиявий кўрсаткичлар қониқарлидир. Соҳада зарар кўриб ишлайдиган алоқа корхоналари деярли йўқ, рентабеллик 50,0 фоизни ташкил қилмоқда. Олинган даромадлар соҳани тараққий эттириш ҳамда алоқачиларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш йўлида сарфланаётир. Республика алоқа тармоғидаги асосий иш йўналишларидан бири — корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирларидир. Бу борадаги ишларнинг биринчи босқичи ниҳоясига етказилди. Натижада соҳанинг транспорт, саноат, қурилиш, таъминот, лойиҳалаштириш, матбуот тарқатиш йўналишларида бир қатор ҳиссадорлик жамиятлари, жамоа ва ижара корхоналари юзага келди. Айни пайтда мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтиш масалалари ҳал қилинмоқда. Бунда ҳар бир корхонанинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, пухта ишлаб чиқилган дастур асосида иш юритиляпти.

Бугунги кунда тармоқда хорижнинг етакчи фирма ва компаниялари иштирокида тузилган қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонаси уяли радиотелефон алоқаси асосида мижозларга энг замонавий усулларда хизмат кўрсатяпти. Қўшма корхонанинг Тошкент, Самарқанд, Урганч, Қарши, Бухоро, Андижон каби шаҳарларида 7 мингта яқин мижозлари бор. Наманган ва Фарғонада ҳам уяли радиоалоқа тармоғи ўз ишини бошлаш арафасида турибди. Яна бир ўзбек-америка қўшма корхонаси-«Камалак-ТВ» Тошкент шаҳрида 14 та дастур бўйича кўрсатувлар тарқатади ҳамда пейжинг алоқаси бўйича хизмат кўрсатади. Урганч шаҳрида рақамли АТСлар ишлаб чиқишга мўлжаллаб тузилган «Алоқа-ДЭУ» ўзбек-корейс қўшма корхонасининг заводи ўз фаолиятини давом эттиряпти. Бир қатор қўшма корхоналар— «Алтел», «Бузтел», «Уднет» ва бошқалар фаолиятини ривожлантириб боряпти. Хуллас, соҳада қўшма корхоналар сони кўпаймоқда ва ўз-ўзидан аёнки, улар кўрсатадиган хизмат турларининг ҳажми ҳам ўсяпти.

Республикамиз телекоммуникация тармоқларини 2010 йилгача тараққий эттириш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган Миллий дастурга асосан соҳада қатор ишлар олиб борилмоқда. Мустақиллик байрамига атаб шу кунга қадар 120,0 минг рақамга мўлжалланган АТСлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, Жанубий Кореянинг «ДЭУ-Телеком» компанияси билан ҳамкорликда Сирдарё вилоятида 40,0 минг, Бухоро шаҳрида 30,0 минг, Андижон шаҳрида эса 14,0 минг рақамли автомат телефон станциялари ишга туширилди. Бундай станцияларни хорижлик ҳамкорлар ёрдамида қуриш ва ишга тушириш ишлари давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг охирига қадар Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича 115,0 минг рақамли станцияларни қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Республикамиз ҳудудида Транс-Осиё-Европа шиша толали кабель магистрали қурилиши олиб борилляпти, бу бунёдкорлик ишларида «Ўзбектелеком» концерни ва «Алоқаинвест» Ҳиссадорлик Жамияти «Сименс АГ» немис фирмаси билан ҳамкорликда фаол иштирок этмоқда.

Алоқа вазирлиги тизимидаги почта алоқа корхоналарининг иши тобора барқарорлашиб бораётир. Мазкур почта корхоналарида иш сифатини ошириш йўлида турли хил лойиҳалар амалга ошириляпти.

Маълумки, алоқа воситалари иқтисодни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида хизмат қилади. Иқтисоди тараққий этган юртнинг эса халқи фаровон яшайди. Алоқачилар буни яхши англаган ҳолда астойдил меҳнат қилишмоқда. Шу нарсага аминманки, алоқачилар мамлакатимизнинг гулдлаб-яшнаши ўзларига бевосита боғлиқ эканлигидан фахрланишади.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги жамоаси номидан барча алоқачиларни Мустақиллигининг беш йиллик байрами билан самимий муборакбод этаман, уларга соғлик, бахт-саодат, янгидан-янги қувончлар ва зафарлар тилайман.

Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Алоқа вазирининг
ўринбосари



МУКОФОТЛАР МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан меҳнатда намуна кўрсатганликлари учун бир гуруҳ алоқа ходимлари муносиб тақдирландилар.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг буйруғига кўра, Қашқадарё давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Китоб тумани электралоқа боғламаси бошлиғи Солиҳ ҲАФИЗОВ, Сурхондарё давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Сариосиё туман электралоқа боғламаси бошлиғи Эргаш ҲАКИМОВ, Андижон давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Марҳамат туман электралоқа боғламаси бошлиғи Каримберди МИРЗААҲМЕДОВ, Тошкент алоқа коллежи ўқитувчиси Хушнудбек ҲАЙДАРОВ, Қашқадарё давлат почта алоқа корхонасига қарашли Косон туман почта алоқа боғламаси бошлиғи Маҳмуд ҲАҚБЕРДИЕВ, Жиззах алоқа кўчма механизациялашган жамланма бошлиғи Вали ҚОБИЛОВ, Тошкент Радиомарказининг цех бошлиғи Николай ТРИФОНОВ, Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Миробод телефон алоқаси боғламаси бошлиғи Маърифжон ДАДАБОЕВ, «Ўзбекистон маркаси» давлат нашриёт маркази директори Муҳаррам НОСИРОВА, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг Раҳбар ходимлар ва ўқув юртлари бўлими бошлиғи Равшан АСҚАРОВларга Алоқа вазирлигининг **«МОҲИР АЛОҚАЧИ»** фахрий унвони берилди.

Шунингдек, «Ўзимпэксалоқа» ташқи савдо фирмасининг етакчи муҳандиси Минавар ЙЎЛДОШЕВА, Тошкент вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бўлим бошлиғи Озод КАРИМОВ, Қорақалпоғистон Республикаси давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Нукус шаҳар электралоқа боғламасининг 6 тоифали электромонтёри Пердегали АСАНОВ, «Ўзбектелеком» концерни бўлим бошлиғи Лидия ФАРАДЖАЕВА, Наманган алоқа кўчма механизациялашган жамланма йигувчиси Маҳаммадали ИСОҚЖОНОВ, Андижон давлат почта алоқа корхонасига қарашли Хўжаобод туман почта алоқа боғламасининг «Манак» алоқа бўлими бошлиғи Сайдолим УМАРОВ, «Ўзбекистон почтаси» концерни умумий бўлимининг бош мутахассиси Ҳамидулла САҒДИХОНОВ, Хоразм давлат почта алоқа корхонаси бошлиғи Маматсалай ПОЛВОНОВ, Қашқадарё давлат почта алоқа корхонасининг ходимлар бўлими бошлиғи Раъно ҚИЛИЧЕВА, Қарши радиотелевидение узатиш маркази бош муҳандиси Ҳасан САТТАРОВ, «Алоқаинвест» Ҳиссадорлик Жамиятига қарашли Андижон алоқа кўчма механизациялашган жамланма бошлиғи Зиёхитдин ИШОНЖОНОВ, Тошкент электротехника Алоқа институтининг физкультура ва спорт кафедраси мудири Илдор ҚОШБАХТИЕВлар Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг **«ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ»** билан мукофотландилар.

Қуйидаги ходимлар — Қорақалпоғистон Республикаси давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Тўрткўл туман электралоқа боғламаси бошлиғи Айтбай АМИНОВ, Наманган давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Косонсой туман электралоқа боғламаси бошлиғи Зокиржон ҚАЛАНДАРОВ, Қашқадарё давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Нишон туман электралоқа боғламаси бошлиғи Самад КАРИМОВ, Фарғона давлат почта алоқа корхонаси бошлиғи Нўъмонжон КАРИМОВ, Бухоро давлат почта алоқа корхонаси бошлигининг ўринбосари Нина АЛИМОВА, «Тошкент почтаси» давлат почта алоқа корхонасига қарашли Мирзо Улуғбек почта алоқа боғламаси бошлиғи Валентина АЛЕКСАНДРЮК, Тошкент вилояти давлат почта алоқа корхонасига қарашли Ангрен почта алоқа боғламаси бошлигининг ўринбосари Валентина НАДКИНА, Тошкент радиотелевидение узатиш марказининг бошлиғи Баҳодир СОБИРОВ, Наманган давлат электралоқа корхонасининг бош муҳандиси Камол БОҚИЕВлар Алоқа вазирлигининг **«АЪЛО ДАРАЖАЛИ РАҲБАР»** фахрий унвони билан тақдирланишди.

Шунингдек, Тошкент Халқаро электралоқа маркази станциясининг муҳандиси Абдулла ҒОИПОВ, Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бош ҳисобчиси Нор

(Давоми 2-бетда)

МУНОСИБ ТЎЁНА

Аввал хабар берганимиздек, Бухоро шаҳридаги 3, 4, 5-АТСлар Жанубий Кореянинг замонавий рақамли электрон янги АТСлари билан алмаштирилган эди. Яқинда ана шу АТСларни расмий фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди. Уни Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов очди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг ўринбосари А. Жўрабоев, «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. Бикметов ҳамда Грузия, Тожикистон, Туркманистон Республикалари алоқа раҳбарлари ва Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Со Кон Хи иштирок этди.

Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг етакчи алоқачилари «ДЭУ-телеком» компаниясининг мутахассислари билан ҳамкорликда фойдаланишга топширган замонавий 30 минг рақамли АТСлар юртимиз Мустақиллигининг 5 йиллик тўйига муносиб совға бўлди.

Солиҳ ЗОИР

ИСТИҚЛОЛ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Мустақиллик йиллари республикамизнинг барча жабҳалари қатори алоқа соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Алоқа тизимига хорижнинг илғор замонавий алоқа техникаси ва технологияси кириб келаётир. Бу мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади. Ҳукуматимиз алоқа хизматининг ривожланиши йўлида ҳар доим алоқачиларни қўллаб-қувватламоқда.

Мустақиллик байрами арафасида бир қатор алоқачилар билан учрашиб, Истиқлолимизнинг беш йили уларнинг ҳаётида қандай из қолдирганлиги билан қизиқдик.

Жамила ШЕРИМБЕТОВА,
Сирдарё вилояти
Янгиер шаҳар почта алоқаси корхонасининг бошлиғи:

— Мана беш йилдирки, мустақиллик неъматларидан баҳраманд-миз. Бу йиллар биз алоқачилар учун ҳам синов даври бўлди. Корхонамиз почта хизмати кўрсатишда зарур тажриба тўплади. Аввалларимижозларга бир оз чекланган хизмат кўрсатар эдик. Ҳозир эса аҳолидан электр қуввати, газ, сув учун хизмат ҳақлари, ҳатто Давлат автомобиль назоратига тўланадиган жарималарни ҳам йиғиб олиш каби қўшимча хизмат турларини бажаряпмиз. Имкониятларимиз доирасининг кенгайганлигини Истиқлол шарофатидан деб биламан.

Жамоамиз Янгиер шаҳри ва Ховос тумани маркази ҳамда Керамический аҳоли тураржойларига хизмат кўрсатади. Шу кунга қадар корхонамизнинг рентабеллик даражаси 43 фоизни, соф фойда 33 минг сўмни ташкил этади. Р. Ҳакимова, Г. Раҳмонгулова, В. Агафонова каби илғор ходимларимиз ишидан мижозлар мамнун. Байрам арафасида 3 та алоқа бўлимимиз таъмирдан чиқди. Келгусида яна битта алоқа бўлими очиш ниятимиз бор.

Тилагим — Истиқлолимиз доимо боқий бўлсин, халқимизга ҳамиша хушхабарлар етказайлик.

Абдураҳмон НАЗАРОВ,
Қашқадарё вилояти
Қарши алоқа кўчма механизациялашган жамланма синининг бошлиғи:

— Шукрким, мамлакатимиз жаҳонда тобора ўз мавқесини тиклаб бормоқда. Бундан 5—6 йил муқаддам ўзбек овозини жаҳондаги энг нуфузи баланд ташкилот — БМТ минбаридан жаранглашишини тасаввур ҳам қила олмас эдик. Бугун ҳаётнинг барча жабҳаларида мустақилмиз. Юртимизда бўлаётган ўзгаришларни кўриб одамнинг дили яйрайди. Мен етакчилик қилаётган кўчма жамланма вилоятимиздаги қўплаб қурилиш иншоотларига алоқа линияларини утказиб беради. Жумладан, бу йил Толлимаржон ГРЭСи, Муборак газ бошқармасининг Яккабоғ туманидаги йўналишини телефонлаштириб бердик.

Истиқлол бизга одамлар қалбига тўғри йўл топа билишни ўргатди. Корхонамизнинг режалари кўп. Яқин муддат ичида Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл йўналишининг Қашқадарё ҳудудидаги ва 5,5 километр масофага чўзилган Термиз шаҳар телефон қувурларида иш олиб боришни мўлжаллаяпмиз. Шаҳар марказидан ўтган телефон қувурларида ишлаш осон эмаслигини яхши тушунамиз. Аммо меҳнатимиз натижасида аҳолининг турмуш тарзи яхшиланса, ўлкамиз фаровонлиги ошса қувонмай бўладими?

Тешабой АЛИЕВ,
Тошкент телефон-телеграф станциясининг абонент линиялари бўйича муҳандиси:

— Бу йил алоқа соҳасида меҳнат қилаётганимга 35 йил бўлди. Шу вақтгача хар хил шароитда ишладим. Аммо мустақиллик шароитида ишлашнинг ўзига хос талаб ва масъулияти бор. Собиқ Иттифоқ даврида барча ишлар марказ—Москвадан бошқарилар эди. Эндиликда номигагина ишга келиб-кетиш йўқ. Ёш мамлакатимизнинг талаби бошқача—дунёга Ўзбекистондек мустақил давлатни, унинг меҳнаткаш одамларини танитишимиз даркор.

Корхонамизда аста-секинлик билан эскирган алоқа жиҳозлари янги, замонавий электрон турларига алмаштириляпти. Мазкур алоқа асбоб-ускуналарининг афзаллик томонлари кўп. Соҳамизга кириб келаётган замонавий алоқа техника ва технологиялари биздан юқори билим ҳамда малака талаб қилади. Бу борада биз—кекса алоқачилар сафини ёш, маҳаллий мутахассислар тўлдириб боришлари зарур деб ўйлайман.

Мустақилликнинг қутлуғ қадами билан оиламизда ҳам қувончли воқеалар содир бўлди. Уғлимни уйлантирдим, неварали бўлдик. Бу ҳам инсон учун катта бахт.

Узбекистонимизнинг довруғи дунёга достон бўлаверсин. Республикамизда меҳнат қилаётган барча алоқачиларни Мустақиллик байрами билан самимий қутлайман!

Суҳбатни Абдутаҳи АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди

МУКОФОТЛАР МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

(Боши 1-бетда)

ҲАИТОВ, Илмий-текшириш маркази нуртола техникаси лабораторияси бошлиғи Бойсеит ЎТАБАЕВ, Хоразм давлат электралоқа корхонасининг бош ҳисобчиси Клара АБДУЛЛАЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси давлат почта алоқа корхонасининг етакчи муҳандиси Тамара НУРИШЕВА, Самарқанд давлат почта алоқа корхонасига қарашли Гулобод туман почта алоқа боғламаси бошлиғи Сирожиддин БАҲРИЕВ, Самарқанд радиотелевидение узатиш марказига қарашли Чопон-Ота радиотелевизион станциясининг цех бошлиғи Константин ЖАЛОЛОВ, Урганч радиотелевизион станцияси бошлиғи Иброҳим НАЗАРОВ, Тошкент вилояти алоқа кўчма механизациялашган жамланманинг бош ҳисобчиси Мария КЛИМОВА, Тошкент электротехника Алоқа институти телекоммуникация тармоқлари ва коммутация ускуналари факультетининг декани Нодир ХУЖАЕВ, Хоразм вилояти бўйича алоқа назорати бошлиғи Мадраҳим РАЖАБОВ, Халқаро ҳисобкитоб ва шартномалар марказининг бош ҳисобчи ўринбосари Раъно РУСТАМОВА, Тошкент алоқа коллежининг ўқитувчиси Азамат ЭШМУҲАМЕДОВ, Электромагнит мослашув марказига қарашли Андижон вилояти давлат электралоқа техник назорати бошлиғи Сергей ГРИГОРЕВСКИЙлар Алоқа вазирлигининг **«АЪЛО ДАРАЖАЛИ МУТАХАССИС»** фахрий унвонига сазовор бўлишди.

Фарғона давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Марғилон шаҳар электралоқа боғламасининг кабелчи-пайвандчиси Мирасунур ҚОДИРОВ, Навоий вилоят давлат электралоқа корхонасига қарашли Навоий шаҳар телефон тармоғининг кабелчи-пайвандчиси Павел БОРИСОВ, Хоразм давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Хива туман электралоқа боғламасининг 5 тоифали электромонтёри Зарипбой АБДУШАРИПОВ, Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли станцияларо алоқа боғламасининг 6 тоифали кабелчи-пайвандловчиси Ержон ПИРНАЗАРОВ, Сурхондарё давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Термиз шаҳар электралоқа боғламасининг телефончиси Флюра АКЧУРИНА, Андижон давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Андижон шаҳар телефон-телеграф станциясининг телефончиси Шаҳзода МАТҚОЗИЕВА, Тошкент телефон-телеграф станциясининг телефончиси Галина ГАЙЛОН, Бухоро давлат почта алоқа корхонасига қарашли Бухоро почтамтининг хат ташувчиси Худойберди ЭЛЛИЕВ, Қашқадарё давлат почта алоқа корхонасига қарашли Чироқчи почта алоқа боғламаси «Оқчова» алоқа бўлими бошлиғи Қаюм ЭЛМУРОДОВ, «Тошкент почтаси» давлат почта корхонасига қарашли Мирзо Улуғбек почта алоқа боғламасининг 7-алоқа бўлими хат ташувчиси Элеонора КАН, Самарқанд радиотелевидение узатиш маркази автомобиль ҳайдовчиси Нажми САЙФИЕВ, Тошкент радио ва телевидение узатиш марказининг кабелчи-пайвандловчиси Вячеслав ПУШКИН, Тошкент махсус қурилиш-йиғиш алоқа бошқармасининг кабелчи-пайвандловчиси Ҳамиджон ҲИДОЯТОВ, Андижон алоқа кўчма механизациялашган жамланмасининг 5 тоифали мантёри Рустам ИБРОҲИМОВ, Фарғона вилояти бўйича давлат алоқа техник назорати катта инспектори Лидия БОНДАРЕВА, «Хабар» газетасининг масъул котиби Иззатулла АҲМЕДОВларга Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг **«ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ»** фахрий унвони берилди. Шунингдек, кўпгина алоқа корхоналарининг раҳбарлари Алоқа вазирлигининг ташаккурномаси ва пул мукофотларига сазовор бўлишди.

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАСИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни» ёзувлари акс этган. Блокда республикамиз пойтахти Тошкентнинг Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган байрам тантаналари тасвирланган. Почта блокининг нархи — 20 сўм. 30 минг нусхада чоп этилган. Почта блокидаги безакларни мусаввир Ю. Габзалилов ишлаган.



«Ўзбекистон маркаси» нашриёт маркази Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб «Мустақиллик» почта маркаси блокини муомалага чиқарди.

Блокдаги маркага Ўзбекистон Республикасининг байроғи ва гербининг тасвири туширилган бўлиб, унда «1 сентябрь —

Ўзбекистон Мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланиб Тошкент, Бухоро, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Урганч, Андижон, Нукус каби шаҳарларнинг почтамтларида махсус тамғалар босилади.

АНДИЖОНДА ЗАМОНАВИЙ АТС

Андижонда Жанубий Корея билан ҳамкорликда қуриб битказилган янги электрон шаҳарлараро телефон станциясининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Андижон шаҳри абонентлари Мустақиллик байрами арафасида биринчи марта замонавий алоқа техникаси хизматидан баҳраманд бўлиб, телефон алоқаси хизматининг янги турларидан мунтазам фойдалана бошладилар.

Бу алоқа иншоотлари Андижон вилоят ҳокимлиги ҳомийлигида, «ДЭУ—телеком» компанияси мутахассислари ва Андижон давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси алоқачилари томонидан режада белгиланган муддатдан илгари қуриб битказилди.

Қурилган янги алоқа иншоотлари жами 14000 мижозга мўлжалланган ва бир вақтнинг ўзида 2000 та мижозга шаҳарлараро сўзлашув хизмати кўрсатиш қувватига эга.

Р. УЗОҚОВ,
Андижон вилояти.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Республикамиз Мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан Жиззах вилоятининг барча почта алоқа боғламаларида «Йилнинг энг яхши почта ходими» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтган эди.

Биринчи босқичда ғолиб чиққан кўрик-танлов иштирокчилари вилоят миқёсида ўтказилган кўрик-танловда иштирок этишди.

Кўрик-танловда Лола Норматова фахрли биринчи, Боғлан Бекмуродова иккинчи, Гулзия Кусаева эса учинчи ўринларни эгаллашди.

Кўрик-танлов якунида ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

А. АСАТУЛЛАЕВ,
Жиззах вилояти

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Тошкент электротехника Алоқа институти қошидаги Марказий Осиё телекоммуникация ўқув марказининг раҳбари Ильдар Аҳмедович КИЛЬДЕЕВ ҳамда Бухоро вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Исрафил Ридванович ЧАКИДЗЕ «Дўстлик» ордени, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар электралоқа корхонасининг телефончиси Гулнора Ҳайтбаевна ХУДОЙБЕРГЕНОВА «Шуҳрат» медали билан мукофотландилар.

Барча мукофотланганларни чин дилдан қутлаб, ишларида омад, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

* * *

Алоқа вазирлиги Давлат алоқа техник назорати жамоаси Хоразм вилояти давлат алоқа техник назорати бошлиғи Мадраҳим РАЖАБОВни қутлуғ 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклаб, унга узоқ умр, тани-сиҳатлик, оилавий бахт, ишларида омад тилайди.

МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ

МАҲКАМ АНДИЖОНИЙ

Байрам кунлари истиқлол фидойиларини эслаш одатли иш бўлур эди. Атоқли файласуф, республика Фанлар академияси раҳбарларидан бири Иброҳим Мўминов ўзбек халқи учун кўп хизматлар қилди. У Бедил фалсафасини кашф этди. Иброҳим Мўминов, 14 томлик ўзбек Совет энциклопедияси чиқишида тасаббус кўрсатди. Марказдагилар буюк давлат арбобларимизни қоралаб, ўғри, қароқчи, деб турган вақтда «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги ўрни ва роли» деган рисавий нақадар ардоқланмоқда!

Самарқандниг 2500 йиллиги ЮНЕСКО томонидан кенг нишонланди. Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг фидойи олимлари Юнус Ҳакимжонов, Абдуфаттоҳ Расулов, Асомиддин Ўринбоев ва бошқалар бу қутлуғ санага бағишлаб Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини форсча тўлиқ факсимал нашрини чиқардилар. Шарқшуносларимизнинг бу жасорати Москвага (ва биздаги айрим лаганбардор раҳбарларга) ёқмади. Наим Норқуловлар мустақиллик даврида жазога эмас, мукофотга сазовор деб топилмоқдалар.

«Мустақиллик бизга нима берди?»деган саволни ўйлаганимда яна баъзи воқеалар ёдимга тушади. «Гулистон» журналида 1972 йилда менинг «Бадиий ижод табиати» номли мақоламда санъатшунос Тилаб Маҳмудовнинг бир назарий китобини таҳлил қилиб, «марксча-ленинча эстетика» деган ибора сохта эканлигини, иккала доҳий эстетика соҳасидан узоқ одамлар соласи билан ижтимоий тафаккурда инқилоб ясади. Мустамлакачилар алломанинг бу ишини кечирмадилар. Ўзбекистонлик малайлар қўли билан у кишига қарши ҳужумлар уюштирилди. Бугунги мустақиллик даврига, Амир Темурнинг буюк хизматлари, унга ислом шариати қонунларини ўргатган устоз-пирлари (Сайид Барака, Сайид Амир Кулол, Шамсиддин Кулол, Зайниддин Тойибодий, Сайид Шариф Журжоний ва бошқалар) қадрланаётган кунларга Иброҳим Мўминов етиб келолмади. Иншоаллоҳ, у кишининг фидойи руҳлари шод бўлгай!

Атоқли навоийшунос, атоийшунос, лутфийшунос олим Эргаш Рустамов эса азиз-авлиёларни тилга олиш, ота-она ўлганида Қуръон ўқиш «жиноят» деб, жазоланиб турган вақтда авлиёлар султони Аҳмад Яссавий ҳақида «Тошкент оқшоми» газетасида ёниқ мақола билан чиқиб, ҳаммани лол қолдирди. Ўша вақт одатига кўра 3-4 нафар олим Ўзбекистон КП Марказий Комитети тарғибот бўлимига чақирилиб уларга, Эргаш Рустамовга қарши мақола ёзинглар, деган топшириқ бўлди. Каминага ҳам шу топшириқни берган эдилар. Аммо мен виждонимга хилоф иш қилмадим. Мана, энди истиқлол йилларида Аҳмад Ясадабиётчи олимлардан Маҳмудали Юнусов, Салоҳиддин Мамажонов ва каминани «юқорига» чақиришиб, «Зафарнома»нинг чиқиши хато иш бўлди» деган мазмунда мақола ёзиш топширилди. Табиийки, биз уч олим анча-мунча тортишувлардан сўнг бу топшириқни ҳам бажармадик. Бу ерда ўзимизни мақташ ҳаёлидан узоқман. Эҳтимол, шундай топшириқ олган бошқа олимлар ҳам шундай иш тутгандирлар. Аммо топшириқни бажариб, мансаб, мукофот олган ҳамкасбларимиз ҳам бор эди. Улар топшириқни бажардилар ва газеталарда «Зафарнома»нинг чиқарилиши хато эди» деган мазмунда мақолалар босилди, табаррук китоб сотувдан йиғиб олинди.

Эндичи? Мустақиллик йилларида «Зафарнома»нинг ўзбекча қисқа нашрини чиқарган шарқшунос олимларимизни Ўзбекистон ҳукумати ардоқламоқда. Бугина эмас, соҳибқирон даври тарихига оид нодир манбаларни нашрга тайёрлаган Асомиддин Ўринбоев, Бўрибой Аҳмедов, Ашраф Аҳмедов, Убайдулло Уватов, Хавофийнинг «Мужмали Фасихий» асарини таржима қилган истеъдодли олима Дилором Юсупова, «Равзатус-сафо»дан таржима қилган Маҳмуд Ҳасан,«Зубдатут-таворих»дан таржима қилган Омонилло Бўриев, Натанзий ва Восифийдан таржима қилган Ғулом Карим, эканлигини ёзиб чиққан эдим. Бу мақолани чиқарган — журнал муҳаррири, атоқли адиб Асқад Мухторнинг ҳам катта жасорати эди. Аммо мустамлакалар марказига хизмат қилувчи айрим коммунист адиблар каминани сиёсий хатода айлаб, муҳокама уюштирдилар. Бу воқеа мен учун фожеали тугаши мумкин эди. Бироқ Худо дилига солиб, Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидовнинг укаси, истеъдодли адабиётшунос олим Асил Рашидов ўртага тушиб, мени оғир жазодан асраб қолди. Энди, мустақиллик даврида Маркс ва Ленин фикрларига қўшилмай, уларни рад этсангиз ҳам инон-ихтиёр ўзингизда. Бундай фикр, ижод эркинлиги табиийки, Истиқлолнинг энг ширин меваларидан биридир.

Эрксевар, ҳақиқат ва адолатга ташна, оташнафас шоир Асқар Қосим «Искандарнинг шоҳи борлигини айтиш учун бир «қудуқ» изламан», деб куйинар эди. Афсуски, у бугунги Истиқлол кунларига етиб келолмади. Туғри бугун биз жаннатга эришганимиз йўқ, аммо ҳақиқат таққосда билинади. Бугунги Истиқлол кунларига етиб келолмаган сафдошларимизнинг охиратлари обод бўлсин!



НОНИНГ БУТУН БЎЛСИН,ЮРТИМ!

ОЗОД ТУРК БАЙРАМИ

ЧЎЛПОН

Кўз очинг, боқинг ҳар ён!
Қардошлар, қандай замон!
Шодликка тўлди, жаҳон!
Фидо бу кунларга жон!

Туркистонли — шонимиз,
туронли — унвонимиз,
Ватан — бизим жонимиз,
фидо ўлсун қонимиз!

Бизлар темир жонлимиз!
Шавкатлимиз, шонлимиз!
Номусли, виждонлимиз!
Қайнаган турк қонлимиз!

Бўлди кенглик, зўрлик йўқ;
Берилди бизга ҳуқуқ!
Тараққийга йўл очуқ!
Жаҳолатга йўл ёпуқ!

Мухторият олинди,
Ишлар йўлга солинди,
Миллий маршлар чолинди,
Душман ўртансун энди!

Шодлик, хурсандлик тоғлар,
Кетсун юракдан доғлар,
Ватан боғидан зоғлар!
Селкилласун байроғлар!

Ҳуррият — байроғимиз,
Адолат — ўртоғимиз,
Хурсанд бўлган чоғимиз
Мевалансун боғимиз!

Турк бешиги —
Туркистон!
Ери олтун, тоғлари кон!
Болалари қаҳрамон!
Ватан учун берур жон!

Туркистонли —
шонимиз, туронли —
унвонимиз,
Ватан — бизим
жонимиз, фидо ўлсун
қонимиз!

Абдурауф ФИТРАТ

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

• МЕРОС

Ётсам тушумда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам миямда, кўз очсам қаршумда мунгли бир хаёл турадур! Бу бир хотун хаёли... Бир хотунки, эгнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлакдан бошқа бир кийими йўқ. Бош-аёғлари яланғоч, тирсакларига қоп-қора лойқадан ботган, бақирурға товуши, қутулурға кучи қолмаган!

Қарайман: кимсасизлик ичиндан ориғланган танда золимона урилган қамчиларни яраси бор.

Кўраман: жаҳилона қилинган эмлардан, носулға қайтган яраларидан қонлар оқиб турадур...

Эй мунгли хотун, сен кимсан?

Эй ғамли она, нечун мундан айрилмайсан?

Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечун кетмайсан?

Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолган кўзларинг у ёш ёмғурларин нечун тўкадур? Зулм занжирлари билан боғланган қўлларинг нечун ҳар ёнга узатиладур, нима тилайсан?

Оҳ... билдим... билдим... англадим! Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли ҳайкалисан.

Эй муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма!

Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма!

Туроним, сендан айрилмоқ менинг учун ўлумим.

Сенинг учун ўлмоқ менинг тириклигимдур.

Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Ёвларинг сени шу кунгами солдилар? Тилагим, истагим, саодатим! Болаларинг сени шу ҳолгами қўйдилар?

Суюнчим, овунчоғим, ўчоғим! Золимлар сени кимсасизми кўрдилар? Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана, мен бутун борлиғим билан сенга кўмак қилурға ҳозир. Мана, мен чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурга рози.

Қоф тоғлари йўлимда тушса, тамуғ оловлари қаршумда чиқса, яна сен сари кетарман.

Устимга инсонлар эмас, шайтонлар қўшуни келса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари орилса, яна сен сари чопарман.

Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиканлари кўзларимга кирса, яна сени қутқараман.

Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўларман.

Эй халқимнинг муқаддас ўчоғи!

Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга,

Нафрат сени кўмгани келганларга!

1917 йил, август

ҲИКМАТЛАР

Бузургмеҳрдан сўрадилар:
— Ақлли одамлар нимага интилмайдилар?
— Нокасларнинг мақтовига ва пасткашларнинг ёрдамига.
— Билимсиз ким?
— Шошиб иш қиладиган ва ўз билганидан қолмайдиган киши.
— Донони нима зийнатлайди?
— Яхшилик қилиш.
— Ботирга нима яхши?
— Кечириш.
— Ким билан дўст тутиниш мумкин?
— Ҳасадсиз киши билан!
— Ҳақиқий мард ким?
— Бировга нарса бериб, орқасидан шодланган ва ҳеч қачон миннат қилмайдиган киши.
— Ақлли ким?
— Бировдан ёмонлик кўрса ҳам, унга қарши хусумат қилмайдиган одам.

«ҚОНУНИ ҲИКМАТ» асаридан

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ

ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Саид СИДДИҚОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0472. 7863 нусхада чоп этилди

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.40 «Хафтанома».

* * *

8.40 «Қизлар гулдастаси».
9.10 «Ипак йўли — дўстлик йўли». Публицистик кўрсатув.
9.25 «Куз лавҳалари». Кинодастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кочқор велосипед». Мультфильм.
10.15 «Аньана ва замон». Тошга битилган куй.
10.55 «Санъат ғунчалари».
11.25 УзТВ хазинасидан. Саид Аҳмад. «Келинлар кўзголони». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
13.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Истиқлол кўшиқлари». «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.30 «Эркатой».
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Таълим — мустақиллик пойдевори».
21.20 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.40 «Морена Клара». Телесериал.
22.20 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири.
23.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Республика кўшиқ кўрик-танлови якунларига бағишланади.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Оламга саёҳат».
00.25 Тунги тароналар.
00.35 — 00.45 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 БУ — МЕНИНГ, СЕНИНГ, БИЗНИНГ — ИСТИКЛОЛ!
Гўзалликда танҳо — Ватаним!
Эълонлар.
Болмининг тилида — юртим шарафи.
Дилдаги тилаклар.
Беш халқа олқишлари.
Бир қўлингда иймонинг бўлсин!
Турон — аждодлар мероси.
Бир қўлингда қиличинг бўлсин!
Дилдаги тилаклар.
Гўзалликда танҳо — Ватаним!
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Истиқлолни қуйлар — Ёшлигим!»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Гўзалликда танҳо — Ватаним!
Дилдаги тилаклар.
Беш халқа олқишлари.
«Ёшлик — сени ким севмаган...».
«Даракчи» — байрам хабарлари.
«Инкассатор -96».
«Нариза ва ношукурлар» туркумидан телесериал (Миср Араб Республикаси).
Дилдаги тилаклар.
Беш халқа олқишлари.
Оҳанглар ва Эълонлар.
«Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
Гўзалликда танҳо — Ватаним!

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ёз билан хайрлашув». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.35

*

20.35 «Тоғлар чорлайди», «Тентак дарасида». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Саломатлик — туман бойлик».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси». Вьетнам мустақиллиги кунига.
20.05 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.25 Эълонлар.
20.30 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.15 «М» хабар.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Рақслар қанотида».
22.00 Европа лавҳалари.
22.30 Эълонлар.
22.35 «Спорт-тайм».
23.05 Эълонлар8
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Самарқанд». Телефильм.
9.30 «Мен туғилган тупроқ». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бу дамлар ўхшар эртакка». Болалар учун қизиқарли дастур.
10.35 Инглиз тили.
11.05 «Фермер». Тележурнал.
11.30 УзТВ хазинасидан. Саид Аҳмад. «Фармонбиби аразлади». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Гўзаллик олами».
18.35 «Виждон». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дурдона».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Оҳанглардан тараланган меҳр».
21.40 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири.
22.20 «Альманах-ТВ». Тележурнал.
22.50 «Замон».
23.00 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Эсингиздами?...».
00.20 Тунги тароналар.
00.30 — 00.40 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис маҳлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 АРТ-журнал.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 — 00.35 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Мушук Леопольднинг автомобили». Мультфильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Теннис-клуб».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Очиқ дарс». Ўқитувчилар учун дастур.
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.00 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.15 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.35 «16 ёш». Немис тилида шарҳ.
22.05 «Сирдошим».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Кулги асло қаритмас».
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Кўнгил тароналари». Мусиқий дастур.
8.50 «Баҳодирлар бўтқаси». Мультфильм.
9.00 «Замин фидойилари». Телеочерк.
9.30 Болалар учун. «Ёз таассуротлари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳр қолур...» Публицистик кўрсатув.
10.35 Янги алифбони ўрганамиз.
11.05 «Ассалом, япон тили!».
11.45 Бир актёр театри. Х. Дўстмуҳаммад. «Ором курси».
12.15 «Ҳаёт синовлари». Телеочерк.
12.40 «Ёнар тоғ хазинаси». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гуллармиз».
18.25 «Сўз сизга». Ёшлар учун кўрсатув.
18.40 «Бу ёруғ оламда Ватан битта-дир...».
18.45 «Замон билан ҳамнафас».
19.00 «Оҳанглар оғушида».
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Зилол». Фольклор-этнографик жамоаларининг телефестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири.
22.00 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.15 «Автоолам».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.15 «Оҳанглар оғушида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55 — 23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Эльбурс тоғида». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Эсдалик учун дастхат».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «IV канал экслюзиви».
19.35 Эълонлар.
19.40 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
20.25 «Тошкент оқшомида».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бу ажиб дунё».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Гулшан диёрим».
21.55 «Мафтункор табиат».
22.25 «Юлдузлар жилоси».
22.55 Эълонлар.
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
8.55 Футбол майдонларида.
9.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Юртим, сени куйлайман».
9.30 «Фан уфқлари». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Пахтани енгиндан сақланг».
10.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.00 «Маҳалламиз бодалари». Телемусобақа.
11.40 «Кизалок, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?». Бадиий фильм.
13.00 «Аждодларимиз мероси». Публицистик кўрсатув.
13.30 Эстрада тароналари.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Янги авлод танлайди».
19.10 Дилнавоз садолар.
19.20 «Омонлик тилаймиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.15 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.35 «Одобнома».
21.50 Олтин мерос. «Улуғбек юлдузи». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири.
00.35 Тунги тароналар.
00.45—00.55 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли кўрсатув.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Кинонигоҳ».
23.45—00.40 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Арслонбоб». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Шоҳсупа сари йўл».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.20 — 22.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 Эълонлар.
19.35 «02» тўлқинида.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Эколот-коктейль».
21.15 «Каталог».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Британия кундалиги».
22.15 Эълонлар.
22.20 «Кобра». Телесериал.
23.00—23.10 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Кекса санъаткорлар». Шокиржон Эргашев.
8.50 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.10 Немис тили.
9.40 «Илм ўлкини билмакдир».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қизиқарли учрашувлар».
10.35 «Сўз». Публицистик кўрсатув.
11.05 «Совун ўгрилари». Бадиий фильм.
12.30 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Буюк Ипак йўли. Нурота». «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.30 «Аудитория».
18.45 Бизнес ҳафта якунлари.
18.55 «Тақдим».
19.05 «Йигит омон бўлса...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Таниш ва номаълум».
22.00 «Репортаж».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.00 «Офарин».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири.
00.35 Бизнес ҳафта якунлари.
00.45 Тунги тароналар.
00.55 — 01.05 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Ўйинчоқлар растаси».
18.40 «Бизнес-уик».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Мусиқа ва Эълонлар.
22.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.50 — 23.50 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Балахнин тўрлари». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Теннис-клуб».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 — 22.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Учқун».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Билиб қўйган яхши».
20.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.30 «Мусиқий меҳмонхона».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Комнот».
21.35 «Бу бўстон аро...».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Монитор-Осиё».
22.40 Араб эстрадаси.
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 А. Фитрат таваллудининг 110 йиллигига. «Кўп ёшлари, қайдасиз?».

«Ёшлик» студияси намойиши этади:

9.35 «Мен ёшликман...».
10.15 «Талаба-96».
10.35 «Экран хандаси».
10.55 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
11.35 УзТВ хазинасидан. Ўлмас Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.15 — 13.45 «Ёшлар ижоди». Ҳабибулло Шамсиев, Мунира Муҳамедова.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олим».
18.35 «Ҳайрат».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири.
21.40 «Мусиқа салтанати».

«Тунги ёдду». Дам олиш дастури:

22.00 «Заковат».
22.10 «Мўъжиза».
22.20 «Имкон чўқилари».
22.30 «Эрамиздан миллион йил аввал».

II

9.00 «Мультдаста».
9.15 «Табиат шифохонаси».
9.25 Дилором наволар.
9.35 «Таманно».
9.45 «Йўловчи ва транспорт».
9.50 «Мусиқий майдонча».
10.25 Видео янгиликлари.
10.35 — 12.15 Видео — «О».

* * *

18.00 «Мультдаста».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Нариза ва ношукурлар» туркумидан телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Дубляж».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.50 Видео — «О».

III

17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.55 — 20.35

*

20.35 «Ўзбек цирки». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Спрут». Телесериал.
23.05 — 23.20 «Оби-шифо». Телефильм.

IV

10.00 Шанба эртаги.

«Чинор» видеоканали:

11.00 «Замандас».
11.30 «Бизнес мирас».
12.00 «Чинсэн».
12.30 «Тақдирлар».
13.00 «Комедиантлар».
13.10 — 13.20 Адабий театр.

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Комедиантлар».
19.25 «Олам ва одам».
19.45 Эълонлар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!.
20.45 Эълонлар.
20.50 «Шоу давом этади». Фредди Меркурий.
21.20 «5 дақиқа ўзим учун...».
21.25 «Спорт-дайджест».
21.55 «Эллада».
22.25 Кинонинг олтин асри. Ален Делон, Лу де Фюнес, Фернандель Шарль Азнавур «Шайтон ва 10 насихат» фильми-да.
00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00— 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Хоразм наволари».
11.30 «Цирк! Цирк! Цирк!»
12.00 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 7-кўй.
12.40 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.10 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири.
13.30 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.
14.35 — 15.35 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «LEGO» сайёраси».
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 Илҳом сатрлари.
21.30 «Бу мунис лаҳзалар».
21.50 «Шарқ ва Ғарб».
22.15 УзТВ экранида премьера. М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 8-кўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири.
00.45 Тунги тароналар.
00.55 — 01.05 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста».
9.20 «Жозиба».
9.35 «Компьютер-Осиё».
9.55 «Дубляж».
10.05 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.30 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.40 — 12.20 Видео — «О».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультдаста».
18.40 «Табиат шифохонаси».
18.50 Дилором наволар.
19.00 «Таманно».
19.10 «Дармон».
19.20 «Транспорт ва йўловчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Сиздан ишорат...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Видео янгиликлари.
21.30 «Нариза ва ношукурлар» туркумидан телесериал.
22.20 «Даракчи».
22.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 — 00.40 Видео — «О».

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.15 — 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Спрут». Телесериал.
22.45 — 23.10 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 Эълонлар.
9.45 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.15 «Давакеш». Дам олиш дастури.
11.45 «Парле ву франсэ?».
12.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
12.45 «Ғунчачи шифокорлар». Телесериал.
13.35 «Биз билан бирга куйланг».
14.15 «Иштирок этувчилар».
14.45 Киносалон. Чарли Шин Оливер Стоуннинг «Взвод» фильмида.
16.55 Эълонлар.
17.00 «Истамбул ҳиконяси».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Телеташриф».
19.10 «ТВ IV да етти кун».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
20.05 Киносалон. Энтони Хопкинс ва Джуди Фостер «Кўзиоқлар сукути» фильмида.
22.15 «Туризм-ревю».
22.45 «Мусиқий Олимп». Майкл Жексон.
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).